RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ

БАЙРАМИМИЗГА 24 КУН ҚОЛДИ!

1991-2000

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 8 август сешанба

Сотувда эркин нархда № 152 (2449)



Калом

ТАРИХГА АЙЛАНГАН ЛАҲЗА

Халқимиз ҳаётида ўчмас из қолдирган сана 1991 йилнинг 31 августи эканлиги маълум. Ўша куни Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VI сессияси минбаридан мамлакатимизнинг биринчи Президенти Ислом Каримов Ватанимиз мустақиллигини бутун дунёга эълон қилди. Биз юртдошларимизга **«Тарихий хабарни эшитганингизда кўнглингиздан нималар кечди?»** деб савол бердик.

Раҳмонқул КАРИМОВ, Олий Мажлис депутати:

— Назаримда, бутун вужудимга куч қўшилгандай бўлди. Ўз ишимга бошқача қараб, иштиёқ билан меҳнат қилишга, мустақилликнинг иқтисодий пойдеворини мустаҳкамлашга ҳисса қўшишни кўнглимга тугдим.

Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ, «Қонун ҳимоясида» журнали ва «Ҳуқуқ» газетаси бош муҳаррири:

— Айни 40 ёшга тўлган куним сессия залида бир журналист сифатида мустақиллик эълон қилинганининг бевосита шоҳиди бўлганман ва қолган умримни ҳар қандай вазиятда мустақилликнинг ҳимояси учун бағишлашга ўз-ўзимга сўз берганман.

Рашид ҲАКИМОВ, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори:

— Эшитганим заҳоти «Наҳотки!» деб телевизорни қўйгандим. Кўнглимда қувонч ва хавотир уйғонди. Ишқилиб, бу кунлар тушдай ўтиб кетмасин-да, деган фикр хаёлимни тарк этмай юрди.

Уммонга қуйилгай азим дарёлар

ФАРҒОНА – БЕШИНЧИ ИҚЛИМ МЎЪЖИЗАСИ



Олой, Тиёншон тоғлари, водийга кўрк бағишлаётган ҳаётбахш оқар дарёлари, ширин-шакар мевалари билан донг таратган Фарғона вилояти – олтин водий шу ердан бошланади. Ўткир дидли, нозик табиатли, хушчақчақ, оқил ва бунёдкор фарғоналикларнинг дил дарвозаси – ҳайрат дарвозаси бу. У доим, барча учун кенг очиқ.

Бу дилбар юрт таърифига асрлардан асрларга, даврлардан даврларга оша ўнлаб, юзлаб фозилу фузалолар, шоирлар, дилтортар тилсим яширингандай ўз-ўзидан юракларни, дилларни жунбушга келтиради.

Албатта, қадимий тарихнинг бирор-бир даври, асри йўққи, Фарғонанинг гўзал табиати, меҳнаткаш одамлари, ажойиб урф-одатлари тилга олинмаган бўлса. Ана шулардан бири улуғ ҳамюртимиз Мирзо Бобурнинг машҳур «Бобурнома»сида берилган таърифлар эканлигини етти ёшдан етмиш ёшгача — ҳамма жуда яхши билади. Биз мустақиллигимизнинг 9 йиллиги арафасида ана шу ҳикматомуз сўзларни яна бир бора такрорлаб ўтмоқчимиз. **«Фарғона вилояти бешинчи иқлимдиндур. Маъмуранинг канорасида воқе бўлутур. Мухтасар вилоятдир, ошлик ва меваси фаровон. Гирдогирди тоғ воқе бўлубдур».** Ана шу мўъжаз юрт бугунги кунда мустақил Ўзбекистоннинг истиқбол сари дадил одимлаётган вилоятларидан биридир.

Улуғлар назари тушган, буюклар таърифлаган бу юртга энг муносиб, энг адолатли баҳони муҳтарам Юртбошимиз берганлар. У киши ҳар сафар Фарғонага ташриф буюрганида «Мен ҳам шу юртнинг фарзандиман», деб қайта-қайта такрорлайдилар.

Ҳа, Фарғонада ютуқлар кўпаяпти, ижобий силжишлар рўй бераяпти. Бу йил вилоятда дон тайёрлаш режаси ошириб бажарилди. Вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан деярли ўн фоизга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш эса 18,4 фоизга ошди. Барча молиявий манбалар ҳисобига капитал маблағлар ўзлаштириш ўтган йилга нисбатан 5 фоизга, пудрат ишлари ҳажми эса 13 фоизга кўпайди.

Вилоятда чет эл инвестициясини жалб этиш, маҳсулотни экспорт қилишга йўналтиришга асосий эътибор берилаяпти. Фақат шу йилнинг ўзида 9 та янги корхона фаолият кўрсата бошлади. Чой қадоқлаш, қоғозни қайта ишлаш, жунни экспорт талаблари асосида калавалаш, кулолчилик хомашёларидан маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, мустақиллик йилларида вилоятда 1700 дан ортиқ объектлар қурилиб, ишга туширилди. Фарғона саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича мамлакатимизда Тошкент шаҳридан кейин иккинчи ўринда туради. Саноат корхоналарида 70 дан ортиқ энг муҳим маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Фарғона нафақат Ўзбекистоннинг, балки Марказий Осиёнинг ҳам гавҳаридир.

Ислом КАРИМОВ

МУҚАДДИМА

Остона азалдан халқимизда муқаддас саналади. Уни ҳатлаб ўтаётганда яхши тилаклар билдирилади, яхши ниятлар қилинади. Остонанинг ўзиёқ ана шу масканнинг, хонадоннинг юзи-кўзини намоён этади. Ушбу масканда яшаётганлар дунёсига, қалбига, орзу-умидлари қўрғонига бошлайдиган йўлга ана шу остонадан – дарвозадан кирилади.

Фарғона шаҳрининг Шимолий Ғарбида — Фарғона-Марғилон йўлида истиқлолимизнинг бир йиллиги муносабати билан қурилган Мустақиллик дарвозаси Фарғонанинг ана шундай муқаддас остонасидир. Фарғонанинг улкан рамзий дарвозаси ҳашар йўли билан бунёд этилган. Дарвозанинг безаклари кўзни олади. Унда қўқонлик, марғилонлик, фарғоналик нақшинкор усталарнинг катта хизмати, истеъдоди, маҳорати намоён бўлган. Дарвозанинг тепасида мустақил Ўзбекистон Республикасининг байроғи ҳилпираб турибди.

Ўзининг гўзал табиати, чорватрофни ўраб турган Помир, ру уламолар, дунёни қалами билан забт этишга аҳд қилган сарвари оламлар ҳамду санолар битишган, достону қасидалар бағишлашган. Бу юртнинг паҳлавон келбатли йигитлари, барчин сифат ҳурлиқолари бадиий асарларнинг ўчмас сиймолари сифатида Марғибу Машриқни, Ажам юртлари-ю, уммон ортларини забт этган. Фарғонанинг бағрида қандайдир оҳанрабо,

Вилоят Кенгаши сессияси

Самарқандда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда "Соғлом авлод йили"-давлат дастури қандай бажарилаётгани ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Вилоят ҳокими Э.Рўзиев шу ҳақда маъруза қилди.

Сўзга чиққанлар бу борада муайян ишлар амалга оширилганлигини қайд этиш билан бирга, асосий эътиборни йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга қаратдилар. Жумладан, "Соғлом авлод учун", "Маҳалла", "Камолот", "Нуроний", "Ибн Сино" жамғармалари вилоят бўлимлари фаолиятини жонлантириш зарурлиги таъкидланди.

У.РЎЗИЕВ,
ЎзА мухбири.

Ёш фазогирлар ўқуви

Ўн иккинчи Халқаро аэрокосмик мактаби машғулотлари якунланди. Унда нафақат мамлакатимиз, балки Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон сингари давлатлардан ҳам ёш фазогирлар қатнашдилар.

Ўн икки кун давом этган анжуманда ўсмирлар махсус экипажларга бўлиниб, космик фазога оид масалаларни ечиш, енгил моторли самолётларни синаш, ракетамоделизми бўйича лаборатория ва илмий амалий машғулотлар ўтказдилар. Айни вақтда улар "Ўзбеккосмос" агентлиги, республика Фанлар академиясининг Ядро физикаси, Астрономия, Қуёш физикаси институтлари, Тошкент Давлат авиация, Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтларининг кўзга кўринган олимлари ва академиклари маърузаларини тингладилар.

Космонавтлар Солижон Шарипов, Владимир Жонибеков ёш фазогирларга ўз тажрибалари ҳақида сўзлаб бердилар. Машғулотлар давомида ўтказилган турли танловларда ғолиб топилган элликка яқин ёшларга совринлар топширилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

МЕН ОЗОД ЮРТ ФАРЗАНДИМАН

«Халқ сўзи» сўровномаси

ВАТАНИМИЗ КЕЛАЖАГИ – БИРЛИГИМИЗДА

1. Мустақиллик даврида олдимизга қўйган мақсадларга қай даражада эриша олдик, деб ўйлайсиз?

2. Мустақиллик туфайли шахсан Сизнинг ҳаётингизда ва фаолиятингизда қандай ўзгаришлар юз берди? Ватанимизнинг келажаги ва олий мақсадлари нуқтаи назаридан бугунги ишларингиздан кўнглингиз тўладими?

3. Сизнингча, янги аср бўсағасида Ўзбекистоннинг нуфузини янада ошириш учун нималарга эътибор бериш керак?



Сўровнома саволларига техника фанлари доктори Садриддин Туробжонов жавоб беради.

1. Халқимиз асрлар давомида озодликка интилиб яшади. Ўзига ёруғ йўл ахтарди. Даврларнинг тўфони-ю, бўронларига бардош бериб, дилидаги эзгу туйғуларни омон сақлади. Ҳур сўз айтадиганларни, элини севганларни «халқ душмани»га чиқарадиган тузум зулми сиртмоғида йўқолиб кетмади. У тузум ҳеч кимнинг фикрлашини, кенг мушоҳада юритишини истамас эди. Ахир у замонларда осмон йироқ, ер қаттиқ эди. Биз эса тили бор бўлган соқовлар эдик. Хўш, энди-чи? Бугун одамларимиз мустақил сўз айта оладилар. Озодлик барчамизнинг тилимизни бийрон қилди. Ҳатто олис қишлоқдаги чўпону деҳқон ҳам эшитган гапини мушоҳада қила олади. Ким нима деса, «Гап шу экан» деб кетавермайди. Чунки унинг тафаккури янгиланди. У уйғонди. Шунинг баробарида у қадр топди.

Истиқлол йилларида ўзбек фақат пахта даласи учун туғилмаганлиги исбот бўлди. Миллат сифатида инсоният тарихи ибтидоси билан тенгдош эканлигимиз, дунёга бекиёс тафаккур ва маданият олиб кирган халқ бўлганлигимиз такрор далилланди. Тўғри, бизнинг олдимизга қўйган мақсадларимиз кўп. Аммо мен эришган ушбу муваффақиятларимизни катта ғалабамиз, деб биламан.

2. Очиғи, бу саволга жавоб бериш учун кечаги кунимизга назар солиш, мен ким эдиму ҳозир кимман, деб ўзимизни сўроқлашимиз керак. Дарвоқе, мен ким эдим? Оддий дурадгорнинг фарзанди эдим. Озодлик бўлмаганда, шу даражага эришармидим? Рости, ўзим ишонмайман. Ҳозир ёшим 36 да. Истиқлолнинг тўққиз йили ичида фан номзоди бўлдим, докторлик диссертациясини ҳам ҳимоя қилдим. 86 та услубий қўлланма тайёрлаб, чоп эттирдим.

Уч нафар фарзандим бор. Болаларим мактабда Ленин бобога сиғинишдан ва қизил галстук тақишдан қутулишди. Учаласи ҳам янги алифбони ўрганишди. Ўзбек эканлигидан фахрланишади. Бу энг муҳими.

Биласизми, баъзан айримлар турмуш қийинчиликларидан нолиб қолишади. Шунда менинг жаҳлим чиқади. Бу одамлар совет даврининг боқимандалик дардига гирифтор бўлган ва бу дарддан ҳамон қутулолмаётган кишилардир. Давр ўзгарди, тузум ўзгарди. Буни англаш фурсати келди. Чойхонада ёки уйда ёнбошлаб ётиб, минғир-минғир қилган билан ўзгаришга эришиб бўлмайди.

Яхши яшаш учун астойдил меҳнат қилиш керак. Ҳозир бизда бой бўлиш учун барча эшиклар кенг очилган. Бизга яна нима керак? Бу ҳам мустақиллик шарофати эмасми? Советлар даврида кўркам иморат қуришдан, машина сотиб олишдан чўчиб яшардик. Энди кимдан чўчиймиз? Ҳалол меҳнат қил ва роҳатини кўр. Мана, бугуннинг фалсафаси! Қолаверса, Худо ярлақаган юртда яшаяпмиз. Заминимизнинг ҳар бир қаричи ризқ-насиба манбаидир. Шундай экан, барчамизнинг юрагимизда эртанинг масъулияти илдиз отиб, мева бериши керак. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳали кўп ишлар қилишим зарурлигини англайман. Меҳнат қилиш ва изланишда давом этишим керак, деган хулосага келаман. Чунки мақтанаяпти демангу, озод мамлакатнинг олими сифатида қилган ишларимдан таскин тополмайман.

3. Халқимизнинг ўтмиши азалдан бутун дунёни қизиқтирган. Энди бўлса ўзбекнинг бугунги қилаётган ишлари, ўз истиқболи ҳақидаги режалари ҳам, айтиш мумкинки, бутун дунёни қизиқтирмоқда. Бу ҳолатдан биз — озод Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси ғурурланмоғимиз даркор. Назаримда, мустақиллик ҳақида баландпарвоз гапларни кўп айтаётгандаймиз. Лекин чин истиқлол моҳиятини ҳамиша ҳам англаб етаяпмизми? Мен яқинда туппа-тузук бир зиёли билан суҳбатлашиб қолдим. Неча тонна дон жамғардик? Бир мактаб ўқувчисининг ўрта маълумот олишига давлатимиз қанча маблағ ажратаяпти — билмайди. Билишга қизиқмайди ҳам. Демоқчиманки, Ватан тарихига, бугунги кунига лоқайдлик билан қараш бизда ҳозир ҳам бор. Шунинг учун, истардимки, ҳар ким умумтақдиримизга, эртанги кунга жонкуяр, жонсарак бўлса. Шунда Ватанимиз нуфузи ҳам, қудрати ҳам янада ошиши шубҳасиздир.

Сурхондарё вилоятининг Тожикистон билан чегара ҳудудида содир бўлган воқеалар хусусида

Шу йил август ойининг бошларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига Тожикистоннинг Сурхондарё вилоятига чегарадош ҳудудларда босқинчи террорчилар гуруҳларининг Сариосиё ва Узун туманларининг ўтиш қийин бўлган тоғли ҳудудларида ўрнашиб олиш мақсадида тўпланаётгани тўғрисидаги хабарлар кела бошлади.

Мазкур хабарлар қайта текшириш жараёнида тасдиқланди. Тожикистон ҳудудидан кириб келаётган ушбу террорчи гуруҳларнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўпорувчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва амалга ошириш, наркотик ва қурол-яроғларни олиб ўтиш йўлларини очиш учун Ўзбекистоннинг чегара туманларида ўтиш базалари, қурол-яроғ, ўқ-дори ва озиқ-овқат омборларини ташкил этишдан иборат бўлган.

Босқинчилар гуруҳлари бунда ўтиш қийин бўлган, шароити мураккаб тоғли жойлар, 4000 метр баландликдаги довонлар, даралар ва табиий ғорлардан фойдаланган. Мазкур ҳудудларда аҳоли жуда сийрак жойлашган бўлиб, айрим тоғ қишлоқларида 15 дан 30тагача оила истиқомат қилади.

Тоғ сўқмоқлари контрабандачилар ва наркотик моддалар билан савдо қилувчилар томонидан олдиндан ўзлаштирилган, қурол-яроғ захиралари яратилган.

Босқинчилар гуруҳлари тахминан 70-100 кишидан иборат бўлиб, улар, олинган аниқ маълумотлар, шунингдек, радио хабарларга кўра, Афғонистон ҳудудидаги қўпорувчилик марказларида ҳар томонлама тайёргарликдан ўтган. Босқинчилар замонавий қурол-яроғлар, мерганлик қуроллари, тунда кўриш асбоблари ва гранатометлар билан яхши таъминланган.

Қайта текширув талаб этиладиган маълумотларга кўра, Тожикистондаги муайян кучлар ушбу босқинчилар гуруҳларининг Ўзбекистон ҳудудига ўтиши учун шарт-шароит яратиб берган.

Ҳозирги пайтда Тожикистон Республикасининг ҳарбий тузилмалари билан биргаликда ушбу босқинчилар гуруҳлари қуршаб олинган. Уларни йўқ қилиб ташлаш учун барча зарур чоралар кўрилмоқда. Бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг чегара қўшинлари, шунингдек, Ички қўшинлар ва Мудофаа вазирлиги бўлинмалари жалб этилган.

Тинч аҳоли қуршаб олинган ҳудуддан олиб чиқилди. Аҳоли ўртасида қурбонлар йўқ. Ҳарбий хизматчилар ўртасида ҳалок бўлганлар бор.

(ЎзА)

Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.

ФАРҒОНА – БЕШИНЧИ ИҚЛИМ МЎЪЖИЗАСИ

ЯШАРАЁТГАН ҚИРГУЛИ

Вилоятни Қувадан Бешариққача, Ёзёвондан то Водил қадар айлансангиз, турли хил тақдирлар, урф-одатлар, расм-русумларга дуч келасиз. Баъзи қишлоқларни ҳунармандчилик, деҳқончилик удумлари, касб-корларига қараб бемалол ажратиб олиш мумкин. Бодринг деганда бевосита Олтиариқ кўз олдимизда намоён бўлади. Анор сўзини ишлатаётганда қуваликлар тилга олинмаса, ўрнига тушмайди. Бувайданинг анжири нафақат юртимизда, балки олис-олис ўлкаларда ҳам машҳур. Лангарлик Абдазхон отанинг қовунлари космосга чиққанлигини кўпчилик эшитган. Демоқчимизки, вилоятдаги 15 та туман, 4 шаҳарнинг ўзига хос иқтисодий ўрни, салоҳияти, тарихи бор.

Ана шулардан энг кенжаси Қиргули ҳисобланади. Бу Фарғона шаҳри тасарруфидаги туман. Тўғироғи, шаҳар ичидаги шаҳарча. Бу туман айни пайтда вилоятда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг 70 фоиздан зиёдини етказиб бераяпти.

Туман ўз номи билан қирда очилган саноат гулзори ҳисобланади. Нефть ва кимё саноатининг нафақат Марказий Осиёда, балки бутун дунёда ҳам энг машҳур корхоналари шу ерда жойлашган.

Мустақиллик туфайли нафақат ҳазрати ишчининг коржомаси ўзгараяпти, балки корхоналарнинг қиёфаси ҳам кундан-кун гўзаллашиб, жаҳон андозалари даражасига етиб бораяпти.

Бундан тўрт-беш йил аввал Фарғона нефтни қайта ишлаш бирлашмасида бўлган киши бугун уни мутлақо таний олмайди. Корхонанинг кираверіши истироҳат боғини эслатади. Сўнгги йилларда корхона замонавий талабларга жавоб берадиган ишлаб чиқариш қувватлари, ускуналар билан жиҳозланди ва экологик талабларга жавоб бериши учун шароит яратилди.

Бу корхона Япониянинг «Мицуии» фирмаси ва Туркиянинг «Текфен» фирмаси билан ҳамкорликда 178 миллион АҚШ долларига тенг инвестиция ўзлаштирилиб, бунёд этилган.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури бугунги кунда йигирматадан ортиқ. Корхона ишлаб чиқараётган Фарғона номи билан аталадиган ёқилғилар ўзимизнинг Асакада чиқаётган, ўзимизнинг

«Нексия», «Дамас», «Тико» автомобилларининг моторлари гуруллаб ишлашини таъминлаяпти.

Шу корхонага ёндош бўлган «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам катта кўламда бунёдкорлик, таъмирлаш ишлари олиб борилаяпти. Корхона тўла замонавий ускуналар билан қайта жиҳозлангач, юртимизнинг водийдаги вилоятларига четдан минерал ўғит ташиб келтиришдай машаққатли ишга барҳам берилади.

Асримизнинг сўнгги йилида корхона умр дафтарида янги саҳифалар очилаяпти, десак муболаға бўлмайди. Йилига 360 минг тонна азот кислотаси, 450 минг тонна аммиак селитраси ишлаб чиқарадиган қувватлар қурилиши бошланиш арафасида. Бундан ташқари, йилига 20 минг тонна хлорид натрий, 11,8 минг тонна хлорид магний дефоланти тайёрлаш қувватига эга бўлган цехларни таъмирлаш, қайта жиҳозлаш ишлари бошлаб юборилди. Асосий технологик ускуналар, жиҳозлар эса Францияда келтирилаяпти. Карбамид ишлаб чиқариш корхонасини кенгайтириш, таъмирлаш ишлари эса бир дақиқа ҳам сусайтирилгани йўқ.

Фарғонадаги бир қатор корхоналар секин-аста мамлакатимиз автомобил саноати таркибига қўшилиб бораяпти. Асакада ишлаб чиқарилаётган машиналарнинг ғилдирак дисклари Фарғона механика корхонасида тайёрланаётганини кўпчилик билмаса керак. Ўзбек автомобилларининг ойналари четдан келтирилмай Қувасойдаги «Кварц» акциядорлик жамиятида тайёрланади. Бу мураккаб технологик жараённи амалга ошириш учун Италиянинг «Текинт» компанияси билан шартнома имзоланган бўлса, «Националь дел Лаворо» банки билан лойиҳанинг 85 фоизини ёки 19,3 миллион сўмлик инвестиция киритиш ҳақида келишиб олинди. Кейинчалик бу цех «Автоойна» акциядорлик жамиятига айлантирилиб, йилига 200 минг комплект автомобил ойналари тайёрланадиган замонавий корхона сифатида донг чиқариши, шубҳасиз.

Вилоятдаги 660 га яқин ўрта ва кичик корхоналар, микрофирмалар шу йилнинг беш ойи мобайнида 1 миллиард 234 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Энг муҳими, бу кичик корхоналар маҳаллий хомашёдан тайёрлаб берган маҳсулотлар 30 га яқин йирик саноат корхоналарининг мунтазам ишлаб туришини таъминлаяпти.

Вилоятда тўқимачилик саноати жадал ривожланаяпти. «Алтаман» хусусий фирмаси бугунги кунда вилоятдаги барча тўқимачилик корхоналарининг калаваларга бўлган эҳтиёжини тўла қондирмоқда. Қўқон шаҳридаги «Обиджон», «Максима», «Дўстлик» сингари хусусий фирмалар терини қайта ишлашни яхши ўзлаштириб олишган. Улар етказиб бераётган теридан бугунги кунда «Ўзсаламан» қўшма корхонасида экспортбоп пойабзал маҳсулотлари тайёрланаяпти.

Риштонлик тадбиркор Бакиржон Бўронов азалий анъанани давом эттириб бўёқларнинг камалак жилосини қайта жонлантиряпти. Унинг саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилган «Рангли бўёқ» корхонасида тайёрланаётган маҳсулотлар сифати, рангинлиги билан чет элларникидан сира қолишмайди. Бакиржон россиялик тадбиркорлар билан ҳамкорликда бунёд этган ушбу корхона маҳсулоти турлари 10 дан ортди. Бу ерда, шунингдек, алиф, лак ҳам тайёрлана бошланди. Корхона эшиги олдида Андижону Намангандан, қўшни Қирғизистондан ҳам харидорлар аримай қолганлиги Риштон бўёғи юксак сифатли эканлигининг исботидир.

Бу корхонанинг ишга туширилиши юздан зиёд риштонлик ёшларни муқим иш жойи билан таъминлади. Уларнинг ҳар бир ойига 5 тоннадан буёқ тайёрлайди. Янги корхонанинг ойлик маҳсулот тайёрлаш қуввати тез орада 500 тоннага етади.

Риштон мамлакатимиз кулолчилик санъатининг марказларидан бири эканлигини куни кеча маҳсулот бера бошлаган яна бир қўшма корхона мисолида яққол кўриш мумкин. Маълумки, Европа давлатларида уй-жойлар томларини черепица — ёғоч чиғаноқлар билан ёпиш қадим-қадимдан давом этиб келаётган удумлардан бири ҳисобланади. Тўқ қизил, пушти, зарғалдоқ рангдаги сопол чиғаноқлар уйлар кўркига-кўрк қўшибгина қолмай, неча ўнлаб асрлардан бери кулоллар санъати ҳам эъзозлаб келинаяпти.

Риштонлик кулоллар Бирлашган Араб Амирлигидан ташриф буюрган сармоядорлар билан ҳамкорликда сопол чиғаноқлар тайёрлашни йўлга қўйишди. Экологик тоза, совуқ ва иссиққа чидамли бу маҳсулотларга ҳали узлуксиз ишлаб чиқариш йўлга қўйилмай туриб, харидорлар кўпайиб кетди. Одатдаги шифердан анча арзон, лекин инсон саломатлиги учун ўта хавфсиз маҳсулот риштонлик кулолларнинг анъаналари асосида тайёрланяпти.

Янги маҳсулотнинг асосий қисми чет элларга экспорт қилинади. Айни кунларда мусассислар-арабистонлик сармоядорлар билан музокаралар олиб боришаяпти.

«Фарғонада тайёрланган» тамғаси босилган маҳсулотлар дунёдаги 30 га яқин давлатга етказиб берилаяпти.

Тошлоқ туманида ташкил этилган «Дэутекстайл» корхонасида тайёрланаётган пишиқ, ўта сифатли маҳсулотнинг 80 фоизи экспорт қилиняпти. Ўтган йили бу корхона 32 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот ишлаб чиқарди.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

• Вилоятда 14.779 та кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолият кўрсатмоқда.

• Фақат шу йилнинг ўзида 624,7 минг квадрат метр уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. 165,7 км. табиий газ, 118 км. ичимлик сув тармоқлари фойдаланишга топширилди.

• 1 та академик лицей ва 12 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатаяпти. 10 та касб-ҳунар коллежини таъмирлаш, 4 та касб-ҳунар коллежини қурилиши ишлари ниҳоясига етказилаяпти.

• Чет эл инвестицияси ҳисобига фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 69 тага етди. Улар 16,3 млн. долларлик маҳсулотни экспорт қилишди.

• Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,9 фоиз, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 18,4 фоизга ўсди. Қурилишдаги пудрат ишлари ҳажми 13 фоизга кўпайди.

• Шу йилнинг ўзида кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларига 320 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. 350 минг туп мевали ва манзарали дарахт ўтқазилди, 91 гектар ерда гулзор барпо этилди.

ИНСТИТУТДА ЭЛЕКТРОН ПОЧТА

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан Америка Соғлиқни сақлаш халқаро уюшмаси ўртасида давом этиб келаётган илмий-маърифий алоқалар мамлакатимизда тиббий таълимни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Иккинчи Тошкент тиббиёт институти ва Американинг Чикаго шаҳридаги Иллинойс университети билан имзоланган ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумга биноан ҳар икки олий ўқув юрти олимлари неонтология, педиатрия, нейрожарроҳлик, жарроҳлик-ортопедия каби муолажалар бўйича тадқиқотларни бошлаб юбордилар.

Америка Соғлиқни сақлаш халқаро уюшмаси ёрдами билан Тошкент тиббиёт институтига электрон почта, замонавий компьютер қурилмалари ўрнатилди. Олий ўқув юртининг бир гуруҳ ўқитувчисига Иллинойс университетида малака ошириш учун йўлланма берилди.

Қўшхабар

ИНВЕСТИЦИЯЛАР АЖРАТИЛДИ

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими республика марказининг халқаро алоқалари кенгаймоқда. Германия иқтисодиёт вазирлиги билан ҳамкорлик, айниқса, самарали бўлмоқда. Ўзаро келишувга биноан Германия томони салкам 6 миллион немис маркаси миқдорида инвестиция ажратди. Ушбу маблағ Ўзбекистонда ўрта махсус таълимни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни учун сарфланади. Германиядаги «Bayerische OWZ» фирмаси, техникавий ҳамкорлик бўйича Германия ташкилоти томонидан уюштирилаётган ўқув курсларида Ўзбекистон ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ходимлари ўз малакаларини оширадилар.

Акбар АЛИЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 8 августдан бошлаб валюта операцияларини бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:/*

1 Австралия доллари	164,05	10 Люксембург франки	63,08
1 Австрия шиллинги	18,49	1 Малайзия рингтити	74,09
1 Англия фунт стерлинги	421,84	1 Германия маркаси	130,11
10 Бельгия франки	63,08	1 Польша злотийси	64,26
1 Голландия гульдени	115,48	1 СДР	367,94
10 Греция драхмаси	7,56	1000 Туркия лираси	0,44
1 Дания кронаси	34,14	1 Финляндия маркаси	42,80
1 БАА дирҳами	76,65	1 Франция франки	38,79
1 АҚШ доллари	281,53	1 Швейцария франки	164,76
1 Миср фунти	80,78	1 ЕВРО	254,47
10 Испания песети	15,29	10 Жанубий Корея вони	2,52
100 Италия лираси	13,14	10 Япония иенаси	25,96
1 Канада доллари	189,58	1 Россия рубли	10,14
1 Хитой юани	34,00	1 Украина гривнаси	51,77

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиши ёки сотиб олиши мажбуриятини олмаган.*

Таҳлил

Айтишларича, Франция бозорларида энг қимматбаҳо деҳқончилик маҳсулоти — узум экан. Лекин, очиғи, Европада етиштириладиган узум таркибидаги қанд миқдори 12-15 фоиздан ошмайди. Сурхондарёнинг Олтинсой туманида-чи, ширинлиги ўттиз беш фоизгача борадиган узумларни татиб кўришингиз мумкин. Демак, Олтинсойнинг узумлари ҳам бозорда арзонга сотилмайди.

МИЛЛИОНЕР БЎЛИШ ОСОНМИ?

Аммо бир нарсага эътибор беринг. Бозорда узумнинг нархи ошгани сайин Олтинсой токзорларининг ҳосилдорлиги пасайиб бораяпти. Нега? Ана шуниси таажжубланарли. Бобур номли хўжалик 1988 йили 22 минг тонна узум етиштирувди. Билсангиз, беш минг гектар атрофида токзори бўлган туманда бултур жами 21 минг тоннадан зиёдроқ маҳсулот олинди, холос.

Ўша, 1988 йилда хўжаликка раҳбарлик қилган одамлар, биз ҳозиргиларга нисбатан анча соддароқ бўлган эканмиз-да, деб чаккаларини силаб қўйишади. Ўша, 1988 йилда хўжалик гектаридан 176 центнердан узум олган бир пайтда Отабой Акрамов деган миришкор ҳосилдорликни 300 центнердан оширган эди. 1999 йилда хўжалик узумчилиги сал ўнгланди: омборга 4112 тонна маҳсулот кирим қилинди. Ҳосилдорлик 47 центнердан тушди. Бош ҳисобчи Тошбой Нуриддиновнинг айтишича, бу соҳа 148300 минг сўм даромад, 22 миллион 588 минг сўм соф фойда келтирган.

Бир неча йил мобайнида хўжаликда бош ҳисобчи бўлиб ишлаган Алмамат Ёқубов деган йигит ҳозир бу ерда раис. У ўзининг дастлабки фаолиятини мавжуд боқимандани ундириш ва қарзларни тўлашдан, хуллас, ҳисобли дўст айрилмас, деган ҳикматни амалда қўллашдан бошлади. Бирталай пуллари «Меҳнат» деган корхонада тахланиб ётган экан. Ундириб олишди. Одамларнинг иш ҳақидан миллионлаб қарзлари бор эди — тўлашди. Хазина пул кўргандай бўлиб, ҳатто идорани таъмирлашга ҳам киришдилар.

Раис бўлса ҳисоб-китоб уммонини ғаввослардек кузатди: одамларнинг иш ҳақи учун хўжалик бултур 62 миллион 46 минг сўм маблағ сарфлабди. Бу ҳар бир ишловчига ўртача 2600 сўмданга тўғри келар экан. Яна шунинг талай қисми маҳсулот (натура) ҳолида берилган.

Тўғри, бугун бош ҳисобчи ёки раисдан ҳам кўпроқ маош олаётган миришкорлар оз эмас. Иброҳим Мелимаматов деган биродаримиз гектаридан 108 центнердан ошириб ҳосил етиштирдики, унга ўртача 15 минг сўмдан маош ёзилди. Ана, Ўғилой Ҳасанова деган ижарачини олиб кўрайлик. Ундан «Бултур нега ишларингиз юришмай қолди?» деб сўрасангиз, баҳонаси кўп: «Нима қилай, бултур ўн литр солярка сўраб ололмаган пайтларим кўп бўлди, токзорларни вақтида ҳайдатолмадик, кимёвий ишлов бера олмадик...»

— Ҳозир биз ширкатчимиз, — дейди Алмамат Ёқубов. — Ширкатнинг бир жиҳати ҳаммасидан муҳим. У ҳам бўлса, томонларнинг ўз мажбуриятларини ўз вақтида, сўзсиз бажаришга эришишларидир. Узумчилик — энг кўп меҳнат талаб қиладиган, айни пайтда ўзига сарфланган харажатни йигирма марта ортиғи билан қайтарадиган соҳа. Биз бу йил биринчи марта токзорларни минерал ўғит билан озиқлантирдик. Ҳашаротга қарши ишловни вақтида ўтказаяпмиз. Ижарачига ёлғон гапирмаслик керак. Ана, бош иқтисодчимиз бултур шартномани бажара олмаганлар ҳақида қоғоз тайёрлаяпти. Бундан буён ҳисоб-китобларнинг янада қаттиқ бўлишига огоҳлантириш бу. Биз ҳаммамиз яхши ишласак, мавжуд 2000 гектар токзоримиздан, ишонасизми, бир миллиард сўм даромад олишимиз мумкин. Нафақат мумкин, қилишимиз керак шу ишни. Қиламиз ҳам.

... Олтинсойда 17 та хўжалик узум етиштиради. Ўша хўжалик раисларидан ҳам мен Ёқубовдан эшитган гапларни эшитишни истардим. Ахир, бир мутахассиснинг хомчўт қилиб айтган гапларига қараганда, туман хўжаликлари қайта ишловчиларга 40 минг тонна узумнинг килосини 50 сўмдан сотса борми, шундан 2 миллиард сўм даромад оларкан. Вино заводи (у ҳам туманнинг ўзида) 40 минг тонна узумдан олинадиган 30 минг тонна винони сотса, унинг даромади 12 миллиард сўмга борар экан.

Яна бир гап. Шу тумандаги «Ширин» ширкат хўжалиги миришкори Шароф Сарикулов 20 гектар токзордан 20 миллион сўм даромад кўрди. Демак, оддий боғбон ҳам миллионер бўлиши мумкин. Бу энди ҳар кимнинг ўзига, меҳнатига, кураш ва интилишига боғлиқ бўлган масаладир.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Публицистика

ТАЪЗИМ СЕНГА, БОБОДЕҲҚОНИМ!

Саодатбахш давр шиддати одамларни шошириб қўяяпти. Давр руҳига мос ва хос равиш-рафтор қилиш, фидокорлик кўрсатиш, халқ ва давлат манфаатларини кўзлаб тер тўкиш жоиз.

Халқ ва Ватан тақдири ипининг бир учи билагида, бир учи юрагида бўлган адолатпеша Юртбошимиз Ислом Каримов ҳамма вақт бизни юқоридаги фазилатларга эга бўлишга даъват этади.

Ромен Роллан: «Кимнинг қалби ҳамма учун тепса, у чинакам бахт эгасидир», — деган эди.

Президентимиз 2000 йилнинг ярим йиллиги якунларига бағишланган йиғилишда деҳқонлар меҳнатини қадрлаш, уларга эркинлик бериш билан бирга, зарур шароитлар яратиш, ҳалол меҳнатига яраша ҳақ тўлаш, моддий манфаатдорлигини ошириш — косасини оқартириш зарурлигини қайта-қайта уқтирди. Ўтин ёрган болта ташқарида қолганидек, деҳқон ўз меҳнати мевасидан тўла баҳраманд бўлмаса, кўнгли тўқ бўлармиди?

«Деҳқонки дон сочар, дон сочмоқ бирла эл ризқин очар», деган эди сўз сеҳргари Навоий бобомиз. Даласини очил дастурхонга айлантирган мўътабар деҳқонлар эрта баҳордан кеч кузгача, қишда ҳам беминнат меҳнат қиладилар. Ер ёригини ямаган ҳазрати деҳқонлар завқини, умрини даларга тўкадилар. Улар ер билан ер бўлиб неъмат ундирадилар. Сахий қалб шижоаткор деҳқонлар манглай тери эвазига яратилган неъматдан қушлару қурт-қумурсқалар ҳам баҳраманд бўлади. Тангри таоло ўша жониворлар ризқини ҳам деҳқон меҳнатига сочган. Тонг деҳқонлар кўксидан отади. Кунлар уларнинг енгларидан тушиб келади.

Шовот туманида 125 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатаяпти. Шундан 68 таси чорвачилик, 46 таси деҳқончилик ва 11 таси боғдорчиликка ихтисослашган. «Гулистон» ширкат хўжалиги (бошқарув раиси Рустам Жуманиёзов)даги «Адолат» чорвачилик фермер хўжалигининг иши, айниқса, ибратлидир. Тадбиркор аёл Бикажон Олимова бу хўжаликка оқилона раҳбарлик қилаяпти. 11 бош соғин сигир бор. Жорий йилнинг биринчи ярмида давлатга 5 тонна сут ва 3 тонна гўшт топширилди. Йил охиригача бошқа эҳтиёжлардан ташқари давлатга яна 7 тонна сут, 8 тонна гўшт топширилади.

Рустам Жуманиёзов «Адолат» фермер хўжалигига яқиндан ёрдам бериб боради. Раис бугун фермер хўжаликларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳақидаги замон талабларига қатъий риоя қилади.

Ислоҳот — одамлар онгидаги ўзгаришлардир. Бу сўзларнинг қанчалик ҳаётийлигига «Хоразм» ширкат хўжалиги мисолида ишониш мумкин. Ушбу хўжалик ҳудудидаги «Жуманиёз Мавлонов» фермер хўжалигига Бозорбой Жуманиёзов уддабуронлик билан раҳбарлик қилаяпти. 10 гектар майдонни эгаллаган ерда шифобахш сархил мевалар етиштирилаяпти. Улар эл дастурхонини 20 тоннадан зиёд ширин-шакар мевалар билан безашга аҳду қарор қилганлар.

Худдий шундай жонкуярлардан бири, ҳар қандай мушкулларни енгиб, мақсад сари астойдил интилган Отахон Машариповдир. Заковатли, собит қадамли бу инсон «Дўстлик» ширкат хўжалигидаги «Абдулла» деҳқон-фермер хўжалигига бош. Хўжалик тасарруфида 10 гектар ер бор. Бу йил 5 гектар ерда буғдой етиштирилди. Ҳосилдорлик 65 центнерга етди. Қолган 5 гектар ерда чорва моллари учун озуқа экинлари етиштирилаяпти. Давлатга 3 тонна бўрдоқи гўшти ва 6 тонна серқаймоқ сут етказиб берилди. Маҳсулот етиштириш суръати

ва сифати тобора ортиб бораяпти. Бу оқилона, олий мақсадли фаолиятнинг самарасидир. Саховатли қалб эгаси Отахон Машарипов қўли қисқа, кам даромадли оилаларга ҳам моддий ёрдам бериб туради. Етим-есирлар, бевалар унинг ҳузуридан ноумид, қуруқ қўл билан чиқиб кетмайдилар. Отахон Машарипов ишсизларни ишга жалб қилади, имкониятлари даражасида маош тўлайди. Тўймаъракаларига ёрдам беради.

Шовот туманида пудратчилар, ер эгалари фаолиятини мувофиқлаштириш, улар билан шартнома асосида ҳисоб-китоб ишларини тўғри юритиш, ҳар кимга меҳнат самарасига яраша ҳақ тўлаш, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш негизида ишга эътиқод туйғусини алангалатиш катта-кичик ҳар бир раҳбарнинг долзарб вазифасига айланган. Бу ҳаётбахш, хайрли ишлар оғиздагина, қоғоздагина эмас, амалда кун юзини, дунё юзини кўрмоқда.

Деҳқон меҳнатига яраша ҳақ олса, киссаси қаппайиб, рўзғорига барака кирса, ишга бўлган муносабати тубдан ўзгаради, завқ-шавқ билан бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб ишлайди. Деҳқон элим, куним деб, ўзини ўтга, сувга уришга шай туради. Далани, ўсимликни раъйига солиб олади. Ишга танда қўяди. Дарҳақиқат, деҳқонларнинг Маккаю Мадинаси, дунёси қадрдон даласидир. Деҳқоннинг даласини, кўзида кўкартирган экинлари ривожини, ҳосил чўғини кўриб, унга баҳо бераверасиз.

Айни кунларда далада иш, ҳаёт икки карра ортиқ қайнаган. Баайни офтоб олов селини пуркаб турган, экинлар амал олиб, ҳосил тўплаётган ҳар дақиқаси тиллога тенг кезларда сув танқислиги деҳқонлару боғбонларни, чорвадорларни шошириб, ташвишга солиб қўяяпти. Бироқ улар нима қиларини билмай, боши урилган баликдек гарангсиб қолганлари йўқ. Ҳеч ким ваҳима қилаётгани ҳам йўқ. Юртбошимиз уқтирганларидай, Худога шукур қилиб, борига — берганига барака деб, ҳар томчи сувдан тежаб-тергаб фойдаланаяптилар, ҳар томчи сув ғўзага бир гул, бир шона ё бир кўсак тақиб қўйиши керак...

Пахтакорлар йил бошида қалбларга 9 йили тўқсон йил шукуҳини берган Мустақиллик байрами нишонланадиган йилда туман бўйича 10.882 гектар ердан 33.118 тонна саноат хомашёси — юқори навли пахта етиштиришни кўнглига туккан эдилар. Ҳаётбахш, чақмоқли умид, мақсад ва режа кўнгилга тугилганича қолавермайди, албатта, жони борнинг имкони бор.

Туманда истиқлол саодатининг 9 йиллиги арафасида давлатга режадаги 188 тонна ўрнига 196 тонна пилла етказиб берилди. Галлакорлар мамлакатимиз дон мустақиллигини таъминлашга катта ҳисса қўшиб, режадаги 5826 тонна ўрнига 7445 тоннадан зиёд дон топширдилар, ҳосилдорлик 55 центнердан ошиб кетди.

Туман ҳокимлиги чет давлатлар билан ҳам ҳамкорлик ўрнатиб, қўшма корхоналар қуришга алоҳида эътибор бераяпти. Россия, Жанубий Корея, Туркия билан ҳамкорликда қурилган «Подшипник» корхонаси, «Шоҳкор», «Семурғ Сасн-Те» терини қайта ишлаш корхоналари ишлаб турибди.

1999 йилда касб-ҳунар коллежи ишга тушганлиги ҳам катта воқеа бўлди.

— Кўксимизга истиқлол шарофатининг шабадаси тегди, — дейди Чиғатойқалъа қишлоғида истиқомат қилаётган иккинчи жаҳон урушининг 2-гуруҳ ногирони Эгам ота Маматов. — Мана шу чекка ўлкада — Шовотда колледж қурилиши кимнинг ҳам эсига келибди, дейсиз? Илгари чўт қоқиб юрган фарзандларимиз бугун компьютер билан ҳисоб ишларини бажараяптилар. Ал-Хоразмий издошлари янада кўпаяди. Президентимизга минг раҳмат, боши омон бўлсин, илоё.

— Бизга шернинг шиддатини, бургутнинг парвозини берган нима?

— Истиқлол саодати!

Раҳим ОТАХОН.
Хоразм вилояти.

1991–2000

9

САОДАТМАНД ХАЛҚ САХОВАТИ

ФАРҒОНА – БЕШИНЧИ ИҚЛИМ МЎЪЖИЗАСИ

Бешинчи асрда Фарғонага ташриф буюрган сайёҳ Хой Чао ўзининг «Саёҳатнома» асарида водийда қишлоқ хўжалик маданияти юксак даражада тараққий этганлигини таъкидлаб ўтган эди. Дарҳақиқат, Фарғона азалдан Мағрибу Машриққа тилими тилни ёрадиган боғ-роғ неъматлари, Мирза Бобурни соғинтирган қовун-тарвузлари, Хитойнинг олис Шанхай шаҳрида Анор деган қишлоққа асос солган қувалик соҳибкорлари билан маълуму машҳур бўлган. Фарғонада етиштирилган пахта нафақат Шарқ бозорларида, балки Овропанинг обрўли бозорларида ҳам юксак қадрланган. Фикримизни Бувайда туманининг «Миқтиқўрғон» мавзеида топилган милодий асрнинг дастлабки йилларига тааллуқли осори-атиқалар, пахтадан тайёрланган матолар ҳам исботлаб турибди.

Ҳозирги кунда деҳқон-фермер хўжаликлари вилоятда тайёрланаётган доннинг 28 фоизини, картошканинг 77,3 фоизини, сабзавотнинг 79 фоизини, гўштнинг 86,2 фоизини, сут маҳсулотларининг 93,7 фоизини етказиб беряпти.

Фақат шу йилнинг ўзида тармоқда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 5 фоизга ўсиши кутиляпти.

Фарғона деҳқонлари пахтадан мўл ҳосил етиштириш йўлида ҳам чинакам меҳнат қилаяптилар. Бу меҳнатнинг самараси қувончли бўлишига шак-шубҳа йўқ.

ЭРТАНГИ КУНИ ЁРУҒ ЮРТ

Юртбошимиз мустақил мамлакатимиз гуллаб яшнаши, келажаги буюк давлатни, фаровон ҳаётни қуриш учун аввалambор маънавият, маърифат масаласига катта эътибор бериш лозимлигини бот-бот таъкидлайдилар. Зеро, жамият улуғ мақсадларга эришмоғи учун унинг ҳар бир фуқароси маънавиятли бўлиши лозим.

Фарғоналикларнинг табиатида, насл-насабида эзгулик ва маърифатга интилиш азалдан мавжуд.

Бу маскан алломалар юрти, деб бежиз айтилмаган. Вилоятда ана шу номга муносиб бўлиб қолиш учун, ёшларни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш мақсадида салмоқли ишлар амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Ўтган ўқув йилида вилоятда лицейлар сони 37 та, гимназиялар сони 22 тани ташкил этганлиги фикримизнинг далилидир. Бу замонавий билим даргоҳларида минглаб ёшлар таълим олмоқдалар. 1998 йилнинг ўзидаёқ 6,4 минг ўринли умумтаълим мактаблари қурилганлиги ёш авлод учун ғамхўрлик кун сайин ортиб бораётганлигининг намунасидир.

1 сентябрдан вилоятдаги 895 та мактабда ўқувчилар таълим олишни давом эттирадилар.

Республикамизнинг мустақиллик байрами кунигача Қувасой шаҳри «Муян» қишлоғидаги 504 ўринли янги мактаб биноси ҳамда Фарғона тумани Миндон қишлоғидаги 500 ўринли янги мактаб биноси фойдаланишга топширилади. Жойлардаги ҳокимликлар, ҳомийлар, ота-оналар ва юқори синф ўқувчилари ёрдамида 493 та мактаб, 300 та болалар боғчаси таъмирланмоқда. Ҳокимликларнинг, ҳомий ва оталиқ ташкилотларнинг ёрдами билан 53 та мактаб, 26 та болалар боғчалари таъмирланяпти. Бу ишларга бюджет маблағидан 105 миллион ва ҳомий, оталиқ ташкилотлардан 39 миллион сарфланиши кўзда тутилмоқда.

«Дўстлик» ширкат хўжалигининг «Дўстлик» фольклор этнографик жамоаси фольклор жамоаларининг республика танловида фахрли I ўринни олишга эришди. Тумандаги «Анор» ашула ва рақс дастаси республикамиз санъатини жаҳонга танитишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Ансамбль шу кунгача Бельгия, Голландия, Афғонистон, Болгария, Туркия, Миср, Россия, Белоруссия, Литва давлатларида ижодий сафарда бўлди.

Албатта, бунёдкорлик ишлари авж олаётган тараққиёт сари юз тутаётган юртнинг халқи руҳиятида кўтаринкилик, санъатга иштиёқ ортаверади. Бундай юртга ўйин-кулги, қўшиқ ярашади.

«ҚИЗЛАР ТУРМУШГА ТАЙЁРМИ?»

Когон шаҳар маданият уйи тўртинчи маҳалла аҳли билан ҳамкорликда ушбу мавзуда баҳс кечаси ўтказди. Кечага намунали оилалар вакиллари, қайнона-келинлар, маҳалланинг фахрийлари таклиф этилдилар. «Бахтли бўлиш учун кураш», «Қайнона – келин ўртасидаги келишмовчиликлар сабаблари», «Ёш оналарга соғлом муҳит яратишда қайнонанинг роли» мавзуларида бўлиб ўтган мунозаралар ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

М. КАРИМОВА, А. РАҲМАТУЛЛАЕВА.

БОЖХОНАЧИЛАР БИЛАН БИР КУН

Божхона хизмати ходимлари мамлакатимизнинг иқтисодий манфаатларини сергак туриб муҳофаза қилишаётир. Гиёҳвандлик моддаларини бекитиқичи материалларни ушлаб қолиш, моддий неъматлар четга ташиб кетилишининг олдини олиш – шу каби барча ишларнинг муваффакияти уларнинг узлуксиз ва фидокорона меҳнатлари самарасидир.

«Халқобод» божхонаси Тошкент вилоятида самарали иш юритаётган жамоалардан бири. Божхона хизмати катта лейтенанти Расул Холиқов ходимлар ишини моҳирона ташкил этиши бунда муҳим аҳамият касб этаётир. Жамоа ходимлари ўнлаб километрга чўзилган чегарабўйи ҳудудида, тўртта муқим назорат манзилида мамлакатимиз иқтисодий манфаатларига доимо кўз-қулоқ бўлиб туришади.

Юк машиналари кўздан кечириб ўтказиладиган жойда ўша куни катта лейтенант Аваз Алматов гуруҳи хизматни ўтаётган экан. Қўшни республикадан ёғоч-тахта ортган оғир юк машинаси келиб тўхтади. Лейтенант Умар Беков юк ҳужжатларини синчиклаб ўрганиб, машинани кўздан кечириб чиқди. Ҳамма талабларга риоладагидек амал қилинганлигига ишонч ҳосил қилиб, божхона хизматчиси машина ҳайдовчисига оқ йўл тилади.

Мўъжазгина, лекин пишиқ-пухта қурилган божхона биносига кираверишда чегарадан ўтиш қоидалари ҳақидаги ахборотларни ўз ичига олган кўримлигина стенд жиҳозланган. Уларда чегарадан олиб ўтиш учун махсус рухсатнома талаб қилинадиган материаллар рўйхатигача кўрсатилган. Лекин беш қўл баробар эмас. Ходимлар «Зил-130» автомашинасини тўхтатиб, ҳайдовчи А. Балқўзиев икки ярим тонна селитрани қўшни мамлакатга олиб ўтиб кетаётганлигини аниқлашди. Мўмай пул ишқивози энди бу қилмиши учун жавоб бераяпти.

– Ходимларимиз чегараолди минтақасида ҳам патрул хизматини адо этишаётир, –дейди Расул Холиқов. – Барча сўқмоқлар назоратимизда. «Кўздан олис» йўллар орқали четга чиқиб кетишга уринувчилар ҳам учрайди.

Куни кеча пост бошлиғи Рустам Холиқов билан катта нозир Ойбек Нормуҳамедов ана шундай «учар»лардан бирини ушлаб қолишди. У «Жигули» автомашинасига рангли металларни юклаб кетаётган экан. Ҳисоб-китоблар бузғунчи 56 минг сўмлик моддий бойликни қўшни республикага олиб чиқиб кетмоқчи бўлганлигини кўрсатди. У бу иши билан қонунни бузаётганини билади, лекин нафс балоси йўлдан ургач, мана энди жавоб беришига тўғри келади.

«Малик» божхона назорати пункти катта автойўлнинг Сирдарё участкасида жойлашган. Халқаро юк автомашиналари, шаҳарлараро автобуслар, қўшни республикага отланган ёки у томондан келаётган транспорт воситалари шу ердан ўтади.

– Бир кеча-кундузда беш мингдан етти минггача автотранспортни назоратдан ўтказишга тўғри келади, – дейди пост бошлиғи, божхона хизмати майори Усмонали Чинтошев. – Ходимларимиз божхона назоратини илдам ва сифатли ўтказишлари талаб қилинади.

Машиналар пайдар-пай ўтиб турибди. Катта нозир Ўросали Бердалиев, нозирлардан Улуғбек Эшонқулов, Илҳом Қурбонов уларни синчиклаб кўздан кечиришади. Катта нозир Зариф Ниёзов ходимлар ҳаракатига бош-қош.

Божхона пости ходимлари фаолияти самарадорлиги ҳақида шуни айтиш кифояки, ҳушёр нозирлар йил бошидан буён 14 миллион сўмлик моддий қадриятлар ва хуфёна олиб ўтилаётган материалларни ушлаб қолишди.

Божхона хизмати катта лейтенанти Зариф Ниёзов билан суҳбатлашдик. Ўзи шу яқинатрофда туғилиб ўсган экан.

– Хизматга ўтаётганимда нозирлик бунчалик мураккаб эканлигини тасаввур ҳам қилмаган эдим, – дейди у. – Билим ҳам, тажриба ҳам зарур экан бу ишда. Орамизда фақат олий маълумотли юристлар ва иқтисодчилар хизмат қилишади. Тегишли қонунларни пухта билиш, ҳужжатларни расмийлаштириш, дастлабки суриштирувни амалга ошириш ва божхона назоратини ўтказиш ходимлардан касбий тайёргарликни тинимсиз ошириб боришни талаб қилади. Фақат ўз ишига, ўз она-Ватанига содиқ кишиларгина бу хизматга дош бера оладилар.

Мамлакатимиз божхона хизматида бундай ходимлар кўп. Шу икки учрашув бунга далил.

Шоёнбек КАРИМБОЕВ.

Савдо ва тижоратга кўмаклашувчи «САВДОГАР» ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат банки

ишбилармонлар, тадбиркорлар, фуқаролар ва барча манфаатдор шахслар диққатига!!!

Азиз ҳамюртлар!

Сизларнинг бўш маблағларингизнинг қадрсизланишини олдини олиш, жамғармаларингизнинг мунтазам кўпайиб боришини таъминлаш ҳамда уларни ишончли ва бут сақланишини кафолатлаш мақсадида «Савдогарбанк» қуйидаги

номи кўрсатилмайдиган (яъни кўрсатувчига бериладиган), энг камида 3 ой сақлаш шарти билан, йиллик 40 фоиз даромад келтирувчи муддатли омонатни таклиф этади.

Ушбу омонатга ҳисобланган фоиз даромадлари Сиз учун қулай бўлган хоҳлаган пайтда тўлаб борилади. Қўйилган омонатлар бўйича маблағларнинг сир сақланиши қатъий кафолатланади.

«Савдогарбанк» фаровонлигингиз калитидир!!!

Сизни ўз омонатчиларимиз сафида кўришдан хурсандмиз!

Омонатлар республикамизнинг барча вилоят ва туманларида фаолият кўрсатаётган «Савдогарбанк» бўлимларида қабул қилинади.

Сиз ўзингизни қизиқтирган бошқа қўшимча маълумотларни 54-24-05 ва 54-19-38 рақамли телефонлар орқали олишингиз мумкин.

1.	**«Савдогарбанк» Амалиёт бошқармаси**	Тошкент шаҳри, С.Барака кўчаси, 76. Т.: 54-25-19, 54-25-23.
2.	**Қорақалпоғистон Республикаси бўлими**	Нукус шаҳри, А.Шомуратов кўчаси, 96. Т.: 2-86-35, 7-80-04.
3.	Хўжайли бўлими	Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли шаҳри, Ойбек кўчаси. Т.: 4-50-03.
4.	Тўрткўл бўлими	Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл шаҳри, Тўрткўл кўчаси, 57. Т.: 2-45-84.
5.	**Тошкент вилояти бўлими**	Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 17. Т.: 132-02-70, 132-14-68.
6.	Оҳангарон бўлими	Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри, Навоий кўчаси, 5. Т.: 5-39-05, 5-28-49.
7.	Ғазалкент бўлими	Тошкент вилояти, Ғазалкент шаҳри, Павлов кўчаси, 21. Т.: 2-25-44, 2-15-84.
8.	Зангиота бўлими	Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эшонгузар қўрғони, Охунбобоев кўчаси, 4. Т.: 170-37-51.
9.	Келес бўлими	Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Келес шаҳри, Ғафуров кўчаси, 8. Т.: 5-68-71, 5-63-56.
10.	Қибрай бўлими	Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай шаҳри, Зебунисо кўчаси, 2. Т.: 64-09-82.
11.	Бўка бўлими	Тошкент вилояти, Бўка шаҳри, Магистрал кўчаси, 5. Т.: 3-57-84.
12.	Амир Темур бўлими	Тошкент шаҳри, Юнусобод, 2-квл, 8-уй. Т.: 21-29-85.
13.	**Андижон вилояти бўлими**	Андижон шаҳри, Машраб кўчаси, 37. Т.: 25-92-85.
14.	Хўжаобод бўлими	Андижон вилояти, Хўжаобод шаҳри, Навоий кўчаси, 125. Т.: 1-29-32.
15.	**Бухоро вилояти бўлими**	Бухоро шаҳри, Ҳамза кўчаси, 6. Т.: 4-56-81.
16.	Қоракўл бўлими	Бухоро вилояти, Қоракўл шаҳри, Улуғбек кўчаси, 2. Т.: 5-26-63.
17.	**Жиззах вилояти бўлими**	Жиззах шаҳри, Навоий кўчаси, 4. Т.: 3-88-69, 3-80-39.
18.	Дўстлик бўлими	Жиззах вилояти, Дўстлик шаҳри, Мустақиллик кўчаси. Т.: 3-56-63.
19.	Ғаллаорол бўлими	Жиззах вилояти, Ғаллаорол шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 27. Т.: 2-11-37.
20.	Усмат бўлими	Жиззах вилояти, Усмат қўрғони, 9-май кўчаси, 5. Т.: 2-52-48.
21.	**Наманган вилояти бўлими**	Наманган шаҳри, Машраб кўчаси, 1. Т.: 6-40-24, 3-87-29.
22.	Наманган шаҳар бўлими	Наманган шаҳри, Ибрат кўчаси, 26. Т.: 6-71-23, 6-47-41
23.	Чортоқ бўлими	Наманган вилояти, Чортоқ шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 9. Т.: 2-17-79.
24.	Тўрақўрғон бўлими	Наманган вилояти, Тўрақўрғон шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 23. Т.: 2-13-84.
25.	**Қашқадарё вилояти бўлими**	Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 49. Т.: 4-60-01, 4-48-79.
26.	Косон бўлими	Қашқадарё вилояти, Косон шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 102. Т.: 3-13-76.
27.	Шаҳрисабз бўлими	Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Пиллакашлик кўчаси, 21. Т.: 2-50-60.
28.	Деҳқонобод бўлими	Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани, Карашина қўрғони, М.Улуғбек кўчаси. Т.: 2-26-66.
29.	Китоб бўлими	Қашқадарё вилояти, Китоб шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 1. Т.: 2-14-87.
30.	**Самарқанд вилояти бўлими**	Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 70. Т.: 33-67-61.
31.	Жомбой бўлими	Самарқанд вилояти, Жомбой шаҳри, Арчазор кўчаси, 1. Т.: 33-14-75.
32.	Пайшанба бўлими	Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани, Пайшанба қўрғони, Навоий кўчаси, 93. Т.: 31-22-45.
33.	Иштихон бўлими	Самарқанд вилояти, Иштиҳон шаҳри, Навоий кўчаси, 9. Т.: 31-13-73.
34.	Зиёвуддин бўлими	Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани, Зиёвуддин қўрғони, Истиқлол кўчаси, 67. Т.: 31-16-05.
35.	Булунғур бўлими	Самарқанд вилояти, Булунғур шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 82. Т.: 31-13-56.
36.	Челак бўлими	Самарқанд вилояти, Челак шаҳри, Самарқанд кўчаси, 2. Т.: 31-08-54.
37.	Пайариқ бўлими	Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани, Пайариқ қўрғони, Ўзбекистон 50-йиллиги кўчаси, 11. Т.: 31-16-05.
38.	Оқтош бўлими	Самарқанд вилояти, Оқтош шаҳри, Амир Темур кўчаси, 6. Т.: 31-08-49.
39.	Ургут бўлими	Самарқанд вилояти, Ургут шаҳри, Навоий кўчаси, 102. Т.: 3-56-86.
40.	Тойлоқ бўлими	Самарқанд вилояти, Тойлоқ қўрғони, Амир Темур кўчаси, 14. Т.: 31-08-73.
41.	Улуғбек бўлими	Самарқанд вилояти, Улуғбек қўрғони, Пардаев кўчаси, 7. Т.: 31-03-73.
42	Сирдарё бўлими	Сирдарё вилояти, Сирдарё шаҳри, Темирйўл кўчаси, 2 . Т.: 7-16-13.
43.	Янгиер бўлими	Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳри, Самарқанд кўчаси, 10. Т.: 72-19-34.
44.	**Сурхондарё вилояти бўлими**	Термез шаҳри, Исо Термизий кўчаси, 10. Т.: 2-74-90, 2-74-93.
45.	Денов бўлими	Сурхондарё вилояти, Денов шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 38. Т.: 9-33-74.
46.	Музробот бўлими	Сурхондарё вилояти, Музробот тумани, Ш.Рашидов кўчаси, 1. Т.: 9-24-81.
47.	Олтинсой бўлими	Сурхондарё вилояти, Олтинсой тумани, Қарлуғ қўрғони. Т.: 5-14-05.
48.	**Фарғона вилояти бўлими**	Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 9. Т.: 24-82-52, 24-67-63.
49.	Риштон бўлими	Фарғона вилояти, Риштон шаҳри, Темиров кўчаси, 12. Т.: 2-18-85.
50.	Яйпан бўлими	Фарғона вилояти, Яйпан шаҳри, Туркистон кўчаси, 151. Т.: 9-55-91.
51.	Қува бўлими	Фарғона вилояти, Қува шаҳри, Қайқуобод кўчаси, 154. Т.: 5-45-09.
52.	Водил бўлими	Фарғона вилояти, Водил қўрғони, А.Ғуломов, 3. Т.: 2-12-92.
53.	Бағдод бўлими	Фарғона вилояти, Бағдод қўрғони, Охунбобоев кўчаси, 10. Т.: 9-26-58.
54.	**Навоий вилояти бўлими**	Навоий шаҳри, Меъмор кўчаси, 83. Т.: 4-82-71.
55.	**Хоразм вилояти бўлими**	Урганч шаҳри, Паҳлавон Маҳмуд кўчаси, 16. Т.: 6-73-59.

ФАРҒОНА – БЕШИНЧИ ИҚЛИМ МЎЪЖИЗАСИ

ЎЗБЕК ЎҒЛОНЛАРИ – ШОН-ШАРАФ ТИМСОЛИ, ҒУРУР ТИМСОЛИ

Ўзбекистон ўз салоҳиятининг қирраларини нафақат иқтисодиётда, маънавиятда, балки спортда ҳам кенг намоён этмоқда. Унинг бўз ўғлонлари ҳам маънавий, ҳам жисмоний баркамол, ҳар нарсага қодир эканликларини халқаро спорт майдонларида кўз-кўз қилаяптилар. Юртимизни шон-шарафга буркамоқдалар. Мустақиллик йилларида Фарғонада ўнлаб янги спорт иншоотлари қурилди. 1991 йили вилоятда 17 та стадион мавжуд бўлган бўлса, бугун уларнинг сони 33 тага етди. Вилоятда, айниқса, ёшларни спортга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу ерда 49 та болалар ва ёшлар спорт мактаби эртанги кунимиз спортчиларини тарбиялаяпти.



Фарғона шаҳрида қурилган 2500 ўринли «Истиқлол» теннис кортида халқаро теннис мусобақалари ўтказилмоқда. Спортни ривожлантириш йўлидаги бундай саъй-ҳаракатлар, шубҳасиз, ўз мевасини бераяпти. Мустақил юртимиздан чиққан биринчи жаҳон чемпиони ҳам фарғоналик оғир атлетикачи А.Манушев бўлади. Яна бир гап, Сиднейда ўтказиладиган олимпиадада Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладиган боксчи Шерзод Ҳусанов, Дилшод Йўлдошев, енгил атлетикачи Эркин Исоқов, байдаркачи Антон Ряховдек ўнлаб, юзлаб ёшлар Фарғонада тарбия топган спортчилардир.

Юртимизнинг бундай етук ўғлонлари Ватанимиз шон-шуҳратини тобора юксакликларга олиб чиқаётганликлари ҳар биримизнинг кўксимизни тоғдай кўтаради.

СЎНГГИ СЎЗ: *агар йўлингиз Фарғона тарафларга тушиб қолса, Аҳмад ал-Фарғоний номи билан аталадиган кўркам, баҳаво оромгоҳга албатта ташриф буюринг. Ўтган асрнинг охирларида бунёд этилган таърифли маскан ўзининг учинчи юз йиллигига янги қиёфа, янги манзара билан қадам қўйяпти. Бу зоти муборакнинг пойқадами киндик қони тўкилган юрти — Қувага ҳам ободонлик, оройиш олиб келаяпти.*

Фиқҳ оламининг ёрқин юлдузи Бурҳониддин Марғиноний тўйи муносабати билан Марғилон ва Риштонда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилаяпти.

Биз мустақиллик йилларида Фарғона вилоятида рўй берган ўзгаришлар, янгиланишларнинг ҳаммасини қаламга олишга, барчаси ҳақида тўхталишга улгурмадик. Чунки юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби бу ерда ҳам ҳамма соҳаларда ўсиш, юксалиш сари илдам қадам ташланяпти.

Фарғона аҳли катта орзу-умидлар, эртанги куннинг ширин ташвишлари билан яшаяпти. У мамлакатимизнинг 9 йиллик байрамига шайланаяпти, тўйга ясаняпти. Бу муборак байрамга ёруғ юз билан, ёруғ умидлар билан етишлари аниқ.

Набижон СОБИРОВ,
Ойбек РАҲИМОВ,
Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ
(суратлар)
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Япония ривожланиш жамғармасининг таклифига биноан, ўзбек миллий кулолчилигининг устаси, ғиждувонлик Алишер Нарзуллаев тажриба алмашиш мақсадида Ишикавакен музофотининг Кумату шаҳрида олти ойлик ижодий сафарда бўлиб қайтди.

Уста ўзбек миллий кулолчилигини япон тупроғидан, турли бўёқлар, сир ва япон кулолларининг «наборигама» деб аталувчи ўзига хос хумдонларидан фойдаланган ҳолда у ернинг шароитига татбиқ этди. Шу билан бирга, япон кулолчилиги технологиясини ҳам ўзлаштирди.

ЎЗБЕК СОПОЛИ ЯПОН ДИЁРИДА

— Японияга келган кунимданоқ — дейди Алишер Нарзуллаев, — япон тилини ўргана бошладим. Япон халқининг ўзаро самимий муомаласи, меҳру оқибати, сўзлашиш одоби, у ерда қадимий урф-одатлар, анъаналарни сақлаш, ҳунарларни тиклаш ва ривожлантиришга катта эътибор билан қаралиши менда чуқур таассурот қолдирди. Японларнинг бошқа мамлакатлар халқларига қараганда иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан анча илгарилаб кетишига шу инсоний фазилатлар ҳам сабаб бўлган бўлса, ажаб эмас.

Юрган дарё...

Япон кулолчилиги ҳақида фикр юритганда шуни айтиш лозимки, у ерда ёшларни кулолчилик ҳунарига ўргатишда, шу ҳунарга қизиқувчи ёшлар танлаб олиниб, мактабдан бошлабоқ санъатга, меҳнатга оид илк сабоқлар берила бошланади. Болалар ўз қўллари билан хонадонлари учун кулолчилик буюмлари ясайдилар. Шу тариқа уларнинг ҳунарга бўлган қизиқиши ортаверади.

Японияда XVI асргача кулолчилик ривожланмаган. Халқ маиший ҳаётида асосан ёғочдан ясалган идишлар ишлатилган. Бундан тахминан 400 йил муқаддам Япониянинг Кутани деган ерига Хитойдан бир неча кулоллар оилалари кўчиб келган. Улар бу ердаги аҳолини ҳам шу ҳунарга ўргата бошлаганлар. Натижада «Кутанияки», яъни кутани сополи бутун Японияга ёйила бошлаган.

Ўзбек анъанавий кулолчилиги япон кулоллари асарларидан ўзида чуқур миллий нақшинкорлик, шаклларнинг сақланганлиги, қадимий анъаналарга содиқлик мавжудлиги билан фарқ қилади. Ана шундай анъанавий кулолчилик асарларини яратиб, ота-боболари анъаналарини давом эттириб келаётган Алишер Нарзуллаев ўзбек миллий кулолчилик асарларини япон ҳамкасблари кўзи ўнгида яратиб, уларнинг олқишига сазовор бўлди.

Кулолнинг айтишича, япониялик кулоллар қўллайдиган тупроқ ўзбек ери тупроғига қараганда юқори ҳароратга чидамлилиги билан фарқ қилади. Бизда сопол буюмлари 900-1100 даража ҳароратда куйдирилса, Японияда сопол буюмлар 1300-1350 даража иссиқлик остида пиширилади. Бунинг сабаби, япон тупроғи таркибида ишқорий ер металларига нисбатан алюминий оксидининг миқдори кўплигидир. Шунинг учун япон сополи ва чинни маҳсулотлари мустаҳкамлиги билан ажралиб туради.

Ўзбек кулолларининг кўпчилиги дашт ўтларидан ишқорли масса олиб, шу асосда сир тайёрлайдилар. Бу анча оғир машғулот бўлиши билан бирга экологик жиҳатдан софликни таъминловчи услубдир. Бу эса япон кулолларининг қизиқишини орттирмоқда. Улар ўзбек кулоллари билан яқин бўлишга ҳаракат қилиб, ўзларининг шароитларига мослаштирган ҳолда ушбу услубни қўллашни афзал кўрмоқдалар. Чунки уларда сир тайёрлашда асосан маъдан материаллардан фойдаланилади. Бу эса экологик жиҳатдан ноқулайлиги билан ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди.

Олти ойлик ижодий изланиш ҳам бир зумда ўтиб кетди. Бу давр мобайнида Япония тупроғида янгидан-янги асарлар яратилди. Алишер Кага, Терай, Важима, Ниагара, Токио каби шаҳарларда бўлиб, ўз ижодини намойиш этди. Энг муҳими, ҳамкасб дўстлар орттирди.

Баҳодир ИЛЁСОВ,
«Мусаввир» илмий ишлаб чиқариш маркази катта санъатшуноси.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ХОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 133-78-92;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 716, 18918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — А. ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи — Д. ТУРҒУНОВА.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 21.50
1 2 3 4 5 6

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

БЎШ (ВАКАНТ) ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ЛАВОЗИМЛАРИГА МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ АСОСИДА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

КАФЕДРА МУДИРЛАРИ: *1. Фалсафа ва ҳуқуқ; 2. Мевачилик ва узумчилик; 3. Физика; 4. Деҳқончилик ва қишлоқ хўжалик мелиорацияси; 5. Педагогика ва психология; 6. Чет тиллар; 7. Тупроқшунослик; 8. Қишлоқ хўжалик биотехнологияси.*

Кафедра мудирлигига фан доктори, профессор ёки фан номзоди, доцентлар қатнашишлари мумкин.

ПРОФЕССОРЛАР: *1. Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти (2); 2. Кимё ва биокимё (1); 3. Қишлоқ хўжалик биотехнологияси (1); 4. Фалсафа ва ҳуқуқ; 5. Ипакчилик ва тутчилик; 6. Микроиқтисодиёт (2); 7. Агробизнес ва менежмент (1); 8. Тупроқшунослик (1); 9. Ўсимликшунослик (1).*

ДОЦЕНТЛАР: *1. Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти (3); 2. Бухгалтерия ҳисоби,аудит ва молия (4); 3. Эконометрия ва информатика (2); 4. Макроиқтисодиёт (4); 5. Микроиқтисодиёт (3); 6. Агробизнес ва менежмент (4); 7. Чет тиллар (2); 8. Қишлоқ хўжалик биотехнологияси (1); 9. Фалсафа ва ҳуқуқ (3); 10. Селекция ва уруғчилик (2); 11. Пахтачилик (2); 12. Деҳқончилик ва қишлоқ хўжалик мелиорацияси (1); 13. Ўзбекистон тарихи (2); 14. Мевачилик ва узумчилик (1); 15. Ботаника ва табиатни муҳофаза қилиш (2); Механизация ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги (4); 16. Ўрмончилик ва ўрмон мелиорацияси (1); 17. Хусусий зоотехния (1); 18. Физика (2); 19. Тиллар (1); 20. Жисмоний тарбия (1); 21. Педагогика ва психология (2); 22. Сабзавотчилик (1); 23. Иқтисодий статистик таҳлил (1); 24. Энтомология ва ўсимликларни уйғунлашган ҳимоя қилиш (1).*

КАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР: *1. Бухгалтерия ҳисоби,аудит ва молия (1); 2. Эконометрия ва информатика (1); 3. Микроиқтисодиёт (2); 4. Чет тиллар (3); 5. Қишлоқ хўжалик биотехнологияси (1); 6. Деҳқончилик ва қишлоқ хўжалик мелиорацияси (3); 7. Ўсимликшунослик (2); 8. Ўрмончилик ва ўрмон мелиорацияси (1); 9. Ботаника ва табиатни муҳофаза қилиш (1); 10. Механизация ва ҳаёт хавфсизлигини муҳофаза қилиш (1); 11. Жисмоний тарбия (2); 12. Педагогика ва психология (1); 13. Ўзбекистон тарихи (1); 14. Ипакчилик ва тутчилик (1); 15. Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти (2).*

АССИСТЕНТЛАР: *1. Иқтисодий статистик таҳлил (2); 2. Бухгалтерия ҳисоби, аудит ва молия (3); 3. Микроиқтисодиёт (4); 4. Агробизнес ва менежмент (4); 5. Олий математика (1); 6. Энтомология ва ўсимликларни уйғунлашган ҳимоя қилиш (1); 7. Тупроқшунослик (1); 8. Агрокимё (1); 9. Ботаника ва табиатни муҳофаза қилиш (3); 10. Хусусий зоотехния (1); 11. Қишлоқ хўжалик биотехнологияси (1); 12. Фалсафа ва ҳуқуқ (1); 13. Селекция ва уруғчилик (1); 14. Пахтачилик (2); 15. Деҳқончилик ва қишлоқ хўжалик мелиорацияси (1); 16. Ўсимликшунослик (1); 17. Мевачилик ва узумчилик (1); 18. Ўрмончилик ва ўрмон мелиорацияси (1); 19. Умумий зоотехния (1); 20. Ветеринария асослари (1.); 21. Ипакчилик ва тутчилик (3); 22. Физика (3); 23. Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти (2).*

ЎҚИТУВЧИЛАР: *1. Жисмоний тарбия (3); 2. Чет тиллар (11); 3. Тиллар (2).*

Танлов учун ҳужжатлар 2000 йил 31 августгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилгоҳга топширилади: Тошкент-140, Тошкент Давлат аграр университети, Бош бино, 3-қават, ходимлар бўлими. Телефон: 63-63-35.

3159

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧОЙ ҚАДОҚЛАШ ФАБРИКАСИ

Сиз муҳтарам харидорларга энг юқори навли сиз севган, сиз билган чой маҳсулотларини тақдим этади.

Энг яхши ва аъло сифатли ҳинд ва хитой хомашёсидан тайёрланган

тўқсон бешинчи, бир юз ўнинчи, уч юзинчи ва ўттиз олтинчи ЧОЙЛАР

фақатгина Ватанимизда эмас, балки чет элларда ҳам машҳур ва севиб истеъмол қилинади.

Маҳсулотларимизнинг сифати мамлакатимизда ягона, махсус дипломли титестерлар томонидан тасдиқланган.

Нархлар маҳсулотнинг нави ва қадоқланишига қараб,
кўк чойнинг 1 килограмми 920 сўмдан 1065 сўмгача;
қора чой 1030 сўмдан 1140 сўмгача.

Улгуржи харид қилувчилар учун манзил: Самарқанд ш., Беруний к., 117-уй.
Телефонлар: Самарқандда: (3662) 29-26-42, 29-47-02.
Тошкентда - (3712) 41-15-32, тел/факс: 41-21-71.

Самарқанд чойини ичиб роҳатланинг!

3150

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг жамоаси масъул ходим Азизулла Раҳматуллаевга отаси
Саъдулла РАҲМАТУЛЛАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси раиси, Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Маҳмуд МИРЗАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

«Экосан» Халқаро жамғармаси жамоаси, Р.Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш корпорациясининг раиси, «Экосан» Халқаро жамғармаси Бошқарувининг аъзоси, академик
Маҳмуд МИРЗАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан унинг оила-аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси тизимидаги «Ўзматбаа – таъминот» республика корхонаси жамоаси корхона ходими Акбар Бегалиевга укаси
Абдумажид БЕГАЛИЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Савдо бошқармаси раҳбарияти ва жамоаси савдо бошқармаси бошлиғининг муовини Муҳаммадумар Муҳамадалиевга падари бузруквори
Карим ака МУҲАМАДАЛИЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Тошшаҳармаишийхизмат» уюшмаси жамоаси бошқарув раиси Саидумар Аълоевга отаси
Ақай ота АЪЛОЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.